

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
 1 июлдан  
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 197 (11.258)

Баҳоси эркин нархда

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

• Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида «Ўзмедэкспо-2008» халқаро ихтисослашган тиббиёт кўргазмаси очилди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «IEG Uzbekistan» кўргазмалар компанияси ҳамда юртимиздаги қатор тиббиёт компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилди. Кўргазмада маҳаллий ва хорижий компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган замонавий тиббий жиҳозлар, фармацевтика маҳсулотлари ва мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган етакчи компаниялар хизматлари таклиф этилмоқда.

• Бухоро вилоятидаги Ҳаузақ — Шоди тиббий газ кони 2007 йил ноябрда ишга туширилган эди. Шундан буён бу ерда 2 миллиард куб метр тиббий газ қазиб олинди. Ҳозир конда қиш шароитида ишлаш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

• Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда жамғарманинг ҳудудий бўлими ва бўлимлари томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида амалга оширилган ишлар ҳамда галдаги энг муҳим вазифалар муҳокама этилди. Хусусан, «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг жойлардаги ижроси сарҳисоби кун тартибидagi биринчи масала сифатида кўриб чиқилди.

• Нукусдаги Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси Қорақалпоғистон бўлими кўргазмалар саройида Ўзбекистон расомлар уюшмаси аъзоси, академик Йигитали Турсунназаров ва Жаҳонгир Турсунназаровларнинг «Оролнинг кўз ёшлари» деб номланган кўргазмаси очилди.

• Урганч туманидаги Гойбу маҳалласи ҳудудида хусусий тадбиркор Қудрат Ражабов маблағи ҳисобига гишт ишлаб чиқарувчи минизавод ишга туширилди. Қисқа вақт ичда битказилган ушбу корхонада кунига 25-30 минг дона гишт ишлаб чиқарилаётган. Эндиликда мазкур корхонада 55 нафар фуқаро иш билан таъминланган бўлиб, уларга меҳнат қилиш учун етарли шарт-шароит яратилмоқда.

• Андижон шаҳрининг 1-кичик даҳасида янги бозор мажмуаси қуриб фойдаланишга топширилди. Мазкур объект қурилишини «Вилоят бозорлар уюшмаси»нинг махсус қурилиш ташкилоти жамоаси амалга оширган бўлиб, элликта савдо растасидан иборат ушбу бозорда сотувчи ва харидорлар учун барча қулайликлар яратилган.

• Булунқурайлик фермерлар мавжуд 6 минг гектар тоқзордан 50 минг тонна ҳосил олишди, унинг 25 минг тоннаси қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилди.

**ЖАҲОНДА**

• Бугун АҚШ президентлигига номзодлар Барак Обама ва Жон Маккейн ўртасидаги дебатлар Теннесси штатининг Нэшвил шаҳрида ўтказилади.

• Мальдив республикасида илк бор президент сайловлари бўлиб ўтади.

• Стокгольмда физиология ва тиббиёт соҳасидаги 2008 йилги Нобель мукофоти лауреатлари номи эълон қилинди. Бу йилги мукофотга немис олими Харальд цур Хаузен ва Франциялик докторлар Франсуаза Барре-Синууси ҳамда Люк Монтанье сазовор бўлишди.

• Индонезиянинг Сулавеси оролидаги Сопутан вулкони ҳаракатга келди. Бу ўз навбатида маҳаллий аҳолининг хавфсизлигига жиддий хавф туғдирапти. Теҳ орада яқин атрофдаги қишлоқлардан аҳоли эвакуация қилиниши мумкин.

• Тибетда кучли zilзила содир бўлди. «AFP» агентлиги хабарига кўра, тиббий офатнинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,3 баллга етди. Зилзила маркази Дансян музофотида кузатишган. Хабарларда келтирилишича, ер силкиниши оқибатида кўплаб турар жой бинолари вайронга айланган, 30 дан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмган. Қурбон бўлганлар сони бундан ҳам ортиқ бўлиши айтилмоқда.

• Бирлашган Араб Амирлигидаги Nakheel Properties компанияси баландлиги минг метрдан ошадиган янги осмонупар бинонинг лойиҳасини эълон қилди. Компания вакиллари айтишича, ўн йил мuddат давомида бунёд этилган мазкур бино 200 қаватдан иборат бўлиб, ундан 55 мингдан ортиқ кишига мўлжалланган хонадонлар ва 45 минг ходим фаолият кўрсатадиган иш жойлари ўрин олади.

• Бельгия божхона хизмати ходимлари мамлакат ҳудудидан ноқонуний йўл билан олиб ўтилмоқчи бўлган катта миқдордаги сифатсиз дори-дармонларни қўлга туширди. Уларга Германия ҳамда Швейцария мамлакатларидаги фармацевтика корхоналарининг тамғаси босилган бўлса-да, аслида Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида ишлаб чиқарилган экан. Дори-дармонлари Африка қитъасига етказмоқчи бўлишган.

• Европалик депутатлар қайта ишлаб чиқариладиган энергия ресурслари дастурида биоёнилги (биодизель, биоэтанол) ҳиссасини камайтириб, қуёш, шамол ва водород энергияси улушини кўпайтиришмоқчи. Зеро, Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилоти биоёнилги унинг тарафдорлари мактаганчалик афзалликларга эга эмаслигини маълум қилди.

**ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ**

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗГА КЕЛГАН ЛАТВИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВАЛДИС ЗАТЛЕРС 7 ОКТАБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ҲАМРОҲЛИГИДА ТОШКЕНТДАГИ П.БОРОВСКИЙ НОМИДАГИ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШИДИ.**

Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва таълим соҳасидаги кенг қўламли туб ислохотлар халқаро миқёсда эътироф этилиб, мамлакатимизнинг бу борадаги таъриби нафақат мутахассислар, балки давлат арбобларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Истиқлол йилларида юртимизда юзлаб янги мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари барпо этилди ва бу жараён изчил давом этмоқда. Аксарият олий ўқув юртлири ҳузурида ихтисослашган академик лицей очилган. Бундай янгиланишларнинг самараси ўларок, бугун Ўзбекистонда ёшлар умумий таълим олиш барибарабди касб-хунар ҳам ўрганмоқдалар.

Дурмон қароргоҳида 6 октябрь куни бўлиб ўтган олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон билан Латвия ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Валдис Затлерс юртимизда бу борада эришилган ютуқлар билан таништирилди. Олий мартабали меҳмон мазкур тиббиёт коллежида ўқувчилар ва педагоглар учун яратилган шароит, таълим жараёни билан қизиқди. Бу таълим маскани барча зарур замонавий жиҳозлар, ўқув қуроллари билан таъминланган. Валдис Затлерс давлат ва жамиятни ривожлантиришда малакали кадрлар муҳим ўрин тутишини, Ўзбекистонда бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидлади ва таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самараларига юксак баҳо берди.

Шу кун Латвия Президенти Бухорога ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмон Бухородаги қадимий Арк қалъаси, Сомониёлар мақбараси, Минораи Калон ва Лаби ховуз мажмуаларини кўздан кечирди. Валдис Затлерс ақл-заковат, юксак маҳорат ва меъморий даҳлиқ тасмоли бўлган бу қадимий ёдгорликлар бетакорор санъат намуналари сифатида ўзида катта таассурот қолдирганини таъкидлади.

Шу билан Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерснинг мамлакатимизга давлат ташрифи ниҳоясига етди.

(ЎЗА)

**ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ**  
 Янгиликлар, воқеалар

**ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА МАЪНАН БАҲАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ БУГУНГИ КУНДА ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КўТАРИЛГАН.**

**Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда**

Юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган туб ислохотлар, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши, шунингдек кетма-кет қад ростлаётган замонавий мактаб, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва уларда яратилаётган қулайликларнинг барчаси ёш авлод қамолотига қаратилган.

Хусусан, кун кеча Шайхонтоҳур туманининг Ибн Сино мазебесида ҳам барча шароитларга эга бўлган Шайхонтоҳур Транспорт касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилиб, ўқувчиларни ўз бағрига олди.

Коллежининг очилиш маросимида сўз олган шаҳар ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Шавкат Жавлонов, туман ҳокими ўринбосари Дониёр Мадамидинов, коллеж директори Равашан Ҳикматов ва бошқалар бугунги кунда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрлик, таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар, шундай гамхўрликка яраша ёшлар ҳам масъулият билан ўқиб, излаб, касб-хунар эгаллашлари лозимлиги ҳақидаги фикрларини билдириб ўтдилар.

— Коллежимиз шаҳар ва туман ҳокимлиги ёрдами билан қурилиб 2008-2009 янги ўқув йилига топширилди ва сентябрь ойида 330 нафар ёшларни биринчи курсга қабул қилдик, — дейди биз билан суҳбатда коллежининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Гулнора Юсупова. — Олдинги бино Лабазда жойлашган бўлиб, жуда таъмирга муҳтож бўлиб қолган эди. Бугун қад ростлаган ушбу замонавий таълим масканимизда 3 та йўналишда: автомобил воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, транспортда ташиш ва бошқарилган ташкил этиш, бухгалтерия иши бўйича касб-хунарга ўргатилади. Ёшларнинг таълим олиши, касб-хунар



**ЁШЛАР УЧУН БАҲАМОЛ ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН**

эгаллаши, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун бу ерда барча шароитлар яратилган. Яъни информатика, тарих, она тили, адабиёт, ёшларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, шунингдек кетма-кет қад ростлаётган замонавий мактаб, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва уларда яратилаётган қулайликларнинг барчаси ёш авлод қамолотига қаратилган.

Хусусан, кун кеча Шайхонтоҳур туманининг Ибн Сино мазебесида ҳам барча шароитларга эга бўлган Шайхонтоҳур Транспорт касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилиб, ўқувчиларни ўз бағрига олди. Коллежининг очилиш маросимида сўз олган шаҳар ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Шавкат Жавлонов, туман ҳокими ўринбосари Дониёр Мадамидинов, коллеж директори Равашан Ҳикматов ва бошқалар бугунги кунда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрлик, таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар, шундай гамхўрликка яраша ёшлар ҳам масъулият билан ўқиб, излаб, касб-хунар эгаллашлари лозимлиги ҳақидаги фикрларини билдириб ўтдилар.

— Ўқувчиларга энг охири русумдаги компьютерлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан соғва қилинди, — дейди коллежининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Мукаррам Маъмурова. — Кутубхонамизда ўқувчиларнинг муролаа қилиши учун алоҳида хоналар бор, 7000 дан ортиқ адабиёт ва ўқув қўламанлари фойдаланиш учун тахт қилиб қўйилган, электрон каталог хизмати ҳам йўлга қўйилган. Ўқувчиларимизга 50 нафар олий тоифали ўқитувчи-мурабийлар, профессорлар таълим беришди.

Бугунги кунда 800 дан ортиқ ўқувчилар билим олиб, хунарга ўргатила-

олишимиз учун яратилаётган барча шарт-шароитлар, ўйламанки бизга ҳам гуруҳ, ҳам зиммасизга масъулият ҳиссини юклайди.

Биз шу кун ёшларнинг қай бири билан суҳбатлашмайлик, уларнинг ёниқ кўзлари, теран фикрлари, чуқур билими эртанишнинг ишончли вакиллари воёга етганидан дарак бериб тургандек, уларга билдирилган юксак ишончнинг медалари ярқ этиб кўзга кўрингандек бўлди.

**Шаҳноза ЮСУПОВА СУРАТЛАРДА: Шайхонтоҳур Транспорт касб-хунар коллежиди мана шундай шарт-шароитлар яратилган.**

**КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

**7 ОКТАБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА “ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА ЎТКАЗИШ” МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ БўЛИБ ЎТДИ.**

Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссияси томонидан ташкил этилган тадбирда таъкидланганидек, бўлажак сайлов тадбирини кўриш учун шу йил 30 сентябрь кунини «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини тўғрисида» Сенат Кенгаши Қарори қабул қилиниб, унда 2008 йил ноябрь-декабрь ойлари бу сайловни ўтказиш мuddати деб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссияси таркиби, шунингдек, тегишли тадбирлар режаси тасдиқланди. Сайлов билан боғлиқ ҳужжатлар амалга оширилиши учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, Сенат Кенгаши комиссияси аъзоларига, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга дахлдор давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларига юборилди.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг Қарори оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» ҳамда «От сильного государства — к сильному гражданскому обществу» рунчалари очилиб, сайлов тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари қондиларини тушуниришга доир материаллар эълон қилиб берилмоқда. Миллий телерадиокомпания туркум кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этишга ҳамда сайловга бағишланган видеороликларни намойиш қилишга юришди.

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгашида, халқ депутатла-

ри вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи вилоят, туман, шаҳар комиссиялари ва ишчи гуруҳларини тузиш ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этишга қаратилган ишлар тугатилган.

Шу билан бирга, давра суҳбати иштирокчилари нутқларида қайд этиб ўтилдики, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мазкур Қарорини, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режасини баҳарши учун фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳар комиссиялари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш мақсадида тузилган ишчи гуруҳлари фаолияти мувофиқлаштириб борилишини таъминлашга қаратилган комплекс ташкилий-қуқукий тадбирларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ҳудудий бўлимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан биргаликда амалга оширишлари керак.

Муҳокама ва фикрлашув асосида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари депутатларининг ўз сайлов округларида «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун-

ларининг нормаларини аҳоли ўртасида тушуниришга, туман ва шаҳарлардаги, қишлоқ, овул ва маҳаллалардаги фуқаролар йиғинларида сайловга тайёргарлик кўришга, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш жадвалларига риоя этишга қаратилган, ҳовиллар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мазебелар ва даҳалар вакиллари йиғилишларини ўтказишга қўмаклашиш билан боғлиқ ишларини янада кучайтириш зарурлиги ҳам иштирокчилар томонидан таъкидлаб ўтилди.

Давра суҳбати иштирокчилари мазкур сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш амалдаги қонун ҳужжатларига, очик ва ошкоралик демократик принципларига тўла мувофиқ холда бўлишига, бунга сайлов жараёнининг очик-ошкоралигини ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилишини таъминлаш, давра суҳбатлари ва семинарлар, сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиш ҳамда ўтказиш орқали эришиш жоиз эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Пировадиди давра суҳбати иштирокчилари тегишли тавсиялар қабул қилдилар.

Тадбирда сенаторлар, Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари, «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, бошқа давлат ташкилотлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(ЎЗА)

**Қисқа сатрларда**

• **БУГУНДАН** «Ўзэкспомарказ»да «Автомобилошу Ўзбекистон-2008» кўргазмаси иш бошлади. **КЕЧА** «Radisson sas Tashkent» меҳмонхонасида ушбу кўргазманинг аҳамиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

• **ЎТГАН** кун Тошкент шаҳар қаҳруврий-йиғув пунктида Мирзо Улугбек туманидан мuddатли ҳарбий хизматга отланган аскар йиғитларини кузатиш маросими уюштирилди.

• **БУГУН** Мирзо Улугбек туманидаги 49-мактабда Республика Кизил Ярим Ой жамиятининг Мирзо Улугбек туман Кенгаши ташаббуси билан чекишнинг зарарли оқибатларига бағишлаб уюштирилган семинарда ўқувчилар, ўқитувчилар, шифокорлар иштирок эттишди.

• **БУГУН** Миробод туманидаги Фафур Фулом номли маданият уйида Уй ҳамшираси курси қатнашчилари иштирокида уюштирилган навбатдаги ўқув машғулоти Ёшлар йилига бағишланди.

• **КЕЧА** Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан тумандаги 5-болалар санъат мактабиди Халқаро мусика кунига бағишлаб ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида мавзувий кеча ва концерт дастури уюштирилди.

• **ҲАМЗА** туманидаги Ҳамза машинасозлар касб-хунар коллежиди туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида академик шоир Фафур Фулом таваллудининг 105 йиллигига бағишлаб ёшлар иштирокида уюштирилган адабий кеча «Сени Ватан кутди» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Ёшлар — келажакимиз


НАМУ ФАН ЗИЁСИНИ ТАРАТУВЧИ МАСКАН

«ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАХАРЧАСИ ҲАҚИДА ҲАР ҚАНЧА ЁЗАНГ ҲАМ ҚАНДЕК ТУЮЛАВЕРАДИ. НЕГАКИ БУ ЕРДАГИ ҲАЁТ ЖУДА ҚИЗГИН, МАРОҚЛИ, БУНЁДҚОРЛИК, ЯНГИЛИК ВА ЯРАТУВЧАНЛИККА БОЙДИР. АКСАРИЯТ ҚИСМИНИ ФАҚАТ ЁШЛАР ТАШКИЛ ҚИЛАДИГАН БУ МАСКАН, ОДДИЙГИНА ҚИЛИБ ТАЪРИФЛАНСА, МАЪРИФАТ МАСКАНИ, МАДАНИЯТ ГУЛШАНИ, МАЪНАВИЯТНИНГ АСЛ КЎЗГУСИДИР.

— Шаҳарчамиз билан ҳар қанча фахрлансанг арзийди, чунки бу гўша ёшларга илму-урфон нуриларини тарқатувчи, уларни эзгуликка, яхшиликка ўндовчи, аёнана ва қадриятларимизга меҳру муҳаббат билан қарашга ўргатувчи муқаддас маскандир. — дейди «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими Рузимурот Қориев. — Асосан ёшлар ўқийдиган ва истиқомат қиладиган ушбу гўшада ҳар кун, албатта маънавий ва маърифий бир тадбир, учрашув ёхуд кўнгилочар муسابақалар уюштирилиб турилади. Президентимизнинг ғамхўрликлари билан эътиборлари босиб шаҳарча кундан-кунга чирой очиб, обод ва ораста гўшага айланиб бормоқда. Талабалар турар жойлари эса талабалар даражасида таъмирланиб энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Компьютер ва интернет хоналари, кутубхона, кураш, теннис, тренажёр ва бошқа ўйнашлардаги спорт заллари, маданий дам олиш хоналари доимий равишда фаолият олиб бормоқда. Ёшларнинг ўқиш ва яшаш шарт-шароитларини янада яхшилаш мақсадида, жуда кўплаб, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, поликлиника, умумий оқватланиш муассасалари ёшларимизга хизмат кўрсатиб келмоқда. Оқватига қилиб айтилган бўлса, келажакки порлоқ, истиқболли ёрқин, бугунги бахтиёр ёшлар, уларнинг яшаш ва ўқитишлари ўз устиданда изланиб-интилишлари, иқтидор ва истеъодларини намойиш этишлари учун барча шарт-шароитлар тўқис қилиб яратилган. Зеро келажак бугундан бошланади, бизнинг бугунимиз ҳам эртанинг ҳам шу ёшлардир. Шунинг учун ҳам улар оқидида ҳар доим ва ҳар вақт масъулиятимизни ҳис қилиб яшашимиз шарт. Ёшларнинг онгу шуурлари, фикру эҳтидорларини янада тараққийлатиб, шакллантириб Ватанга муносиб, садоқатли фарзандлар қилиб тарбиялаш сарғак, тийрак ва ҳамisha қалби уйғоқ бўлиб ҳаракат қилиш асосий вазифаларимиздан биридир. «Ёшлик» тала-

балар шаҳарчаси ана шундай эзгу ишлар йўлида ёшларга доимо ҳамроҳ, дўст, суянч ва мададқордир. Дарҳақиқат, бу мўъжазгина шаҳарча ўзига хос нуфузга эга. Бугунги кунда мазкур ҳудудда 42 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шаҳарчада Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети, Тошкент Тиббиёт академияси сингари олий ўқув юрлари, касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар, жами 24 та таълим муассасалари жойлашган. Айни кунларда мазкур ўқув даргоҳларида қариб 45 минг нафар талаба, ўқувчи-ёшлар таълим-тарбия олмоқдалар. Шунингдек, шаҳарчада ўттиз саноизта талабалар турар жойлари мавжуд бўлиб, уларда ўн мингдан зиёд йигит-қизлар истиқомат қиладилар. «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ташаббуси билан ҳар ҳафта шаҳарчада теварак-атрофнинг тозаллигини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофазалаш мақсадида оммавий ҳашар уюштирилади. Ўтган йиллар давомида шаҳар ҳудудига 35 минг туғдан ортироқ игнабаргли дарактлар, 10 минг туғга яқин манзарали ва мевали дарактлар шунингдек 500 мингдан ортиқ бир йиллик ва кўп йиллик гул кўчатлари ўтказилди. «Ёшлар» йили муносабати билан эса ҳар бир талаба, ўқувчига ўзи таълим олаётган, истиқомат қиляётган ҳудудда биттадан даракт ва манзарали гул кўчатлари экиб парварши қилиш ишлари топширилди. Хар ойнинг охири жумасида ўтказилиб туриладиган маънавий кўнрали ёшларнинг маданий дам олишларини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик, гиёвандлик каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича шаҳарча ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ, Республика Саломатлик институти, шаҳар ва туман прокуратураси, ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида давра су-

батлари, учрашувлар ўтказилиб турилиши эса аёнанага айланган. Мазкур ҳудуд таълим муассасаларида тахсил олувчи ва талабалар турар жойларда истиқомат қилувчи талабалар орасида «Турар жойимиз ўз уйимиз» фикрини шакллантириш, турар жойларда яратилган шароитлардан самарали фойдаланиш, ёшларнинг дарсдан бўш вақтларида иштирок қилиш ва ташаббусларини, қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, ҳудуддаги талабалар турар жойлари ўртасида соғлом рақобатни юзага келтириш мақсадида яратилган шароитлар, олиб борилаётган ишлар юзасидан рейтинглар ўтказиб турилади. Рейтингда натижалари бўйича қўлбўйиб доимий равишда рағбатлантириб борилади. — Мен Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг роман-герман факультетида иккинчи курсда тахсил оламан, — дейди Рафиқ Қодиров. — «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси меннинг назаримда мўъжазкор, бунёдкор шаҳарча тисолида гавдаланади. Бу ерда кеча-кундуз ҳаёт бирдай мазмунли ва мароқли давом этади. Биз ёшларга яратиб қўйилган бундай шароитлар менимча ҳеч бир мамлакатда мавжуд эмас. Биздан фақатгина кунт билан ўқиш, билим доирамизни янада кенгайтириш талаб этилмоқда. Давлатимиз томонидан яратилган бу имкониятлардан унумли фойдалана олишимиз шарт. Ҳа, бу кўржам, нурафшон, обод ва ораста гўшани орзулар мамлакатига қийлаш мумкин. Бунда орзу қилиб, умид билан, изланиб ўқитган ёшларнинг барча орзулари, интилишлари тиниб-тинчимасликлари босиб амалга ошаверилади. Донорларимиз айтганидек, қаердаки илм истаб, излансанг, ўша ерда бахт ва омад сенга бўйин этади. «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳам ёшларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқараётган муқаддас маскандир. **Гулчеҳра ДУРДИЕВА** **СУРАТЛАРДА: «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳаётидан лавҳалар.**



Амнистия фуқаролик ҳақиқати қириш йўлидан бораётган мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлигини кўрсатуви мумкин рағбатлантирувчи ҳужжатдир. Зеро бу орқали минглаб оилалар бағри хурсандчиликка тўлади. Унинг туб замирида жиноят содир этган шахсни жазолашдан тўриб ҳам жазодан қўзланган мақсадини таъминлаш масаласи ётади. Бугунги кунда амнистия тўғрисида жазодан озод қилинганларни янгича ҳаёт, меҳнат қилишлари бағри амнистия ишга солинаётганлигини таъкидлаб ўтишимиз ўринли, албатта. Тиббий ёрдамга муҳтож шахсларнинг соғлигини тиклаши учун зарур шароитлар яратилмоқда. Мазкур қарорнинг қабул қилиниши ва ижросининг изчил таъминланганлиги давлатимиз сиёсатидаги инсонпарварлик тамойилининг амалдаги яна бир мисоли десак, адашмаган бўламиз. Ва яна шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, амнистия қўлланиши муносабати билан нафақат ўша шахсга, балки шу орқали унинг оиласи, яқинлари, қариндош-уруғларига ҳам бағрикенглик кўрсатилади. Йўқилгани суянч, адашганга тўғри йўл кўрсатиш ҳалқимизга ҳос олижаноб фазилатдир. Амнистия тўғрисидаги қарорнинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталадиган бўлса, қарор кучга киргизган қадар жиноят содир этган ва Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларга, улар ҳазонни қаерда ўтаётганидан қатъи назар қўлланилади. Амнистия қўлланиш тўғрисидаги қарор ҳар бир шахсга нисбатан яқна тартибда қабул қилинади. Зарур маълумотлар етарли бўлмаган тақдирда, афв қўллаш масаласи қўшимча материаллар олинганга қадар, лекин ички ойдан кўп бўлмаган муддатта текшириб турилади. Бу ерда қонунда белгиланган тартибда тўпланган ёки олиб ташланган судланганлик ҳисобга олинмайди. Жиноят тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига биноан жиноят ҳисобланмайдиган қилмишлар учун ҳукм этилган шахслар ҳам судланмаган деб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қарорини қўлланиш тартиби ҳақидаги низомнинг 5-бандига мувофиқ амнистия қўйиладиган шахслар судлар томонидан амалга оширилми белгиланган бўлиши. Чунки, ўзи шу юртида (барча инстанцияларда) қайси шахсларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар ва материаллар бўлса, шу шахсларга нисбатан; ҳукм қонуний кучга кирган, бирок ижро этилмаган, қаноқат қилинмаётган шахсларга нисбатан; жиноятлари ҳақидаги ишлар ва материаллар уриштирувчи ва тергов органлари иши юритиладиган бўлган шахсларга нисбатан — прокурорнинг илтимосномасига қўйиб; жазони ўтаётган маҳкумларга нисбатан — жазони ижро этиш муассасаси ёки органнинг бошлиғи (ҳарбий хизматчиларга нисбатан ҳарбий қисм ёки интизомий қисм командири) томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асо-

Қиш тайёргарликни ёқтиради

**МАВСУМГА ҚИЗГИН ҲОЗИРЛИК** **БУГУНГИ КУНДА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚИШКИ МАВСУМГА ТАЙЁРЛАШ ҲАР БИР ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИДИР. ШУЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ПОЙТАХТИМИЗНИНГ «12-АВТОБУС САРОЙИ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ҲАМ БУ БОРАДА ИШЛАР ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА.** Жумладан, корхонадаги ишлаб чиқариш цехлари, маъмурий-маиший бинолар, омаборхона, қозонхона, иссиқлик узатиш қувурлари, электр тармоқларини жорий таъмирдан чиқариш, бутлаш ишлари айна дама яқунлини арасида. Корхона бош муҳандиси Фурақт Мамасайидовнинг таъкидлашича, жамият жамоаси биргина юқоридаги ишлар билан чекланиб қолгани йўқ. Мавжуд автотранспортларни қузғи техник қўриқдан ўтказиш ишлари ҳам олиб боришмоқда. Қиш мавсумида илк маротаба ишлаётган ҳайдовчиларга қисқа муддатли ўқув курслари жорий қилинган бўлиб, уларга ҳам мунтазам равишда тушунтириш ишлари ташкил этилмоқда. (Ўз муҳбиримиз) **СУРАТДА: корхонада мавсумий ҳозирлик қизгин**

Орамиздаги одамлар

**КАСБИНИ АРДОҚЛАГАН УСТА** **БАРЧАГА ЯХШИ МАЪЛУМКИ, ИНСОН ҲАЁТИДА ҚИЛГАН ЯХШИ АМАЛЛАРИ ВА ХАЙРЛИ ИШЛАРИ БИЛАН ЭЛ ОРАСИДА ДОИМО ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ ҚОЗОНИБ КЕЛГАН. ЗЕРО ЭЛ НАЗАРИДАН ҚОЛМАЙ, ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ ЭЪЪЗОСИДА ЯШАШ ҲАР БИР ИНСОН УЧУН БУЮК БАХТДИР.** Бугун биз сўз юритмоқчи бўлган камтарин, соатсоз уста Забиҳилла Раҳимов ҳам мана шундай эл суяган инсонлардан биридир. 1978 йилдан бери «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги мўъжазгина устaxonада ишлаб, эл назарига тушган, умри давомида халқимизга ҳалол хизмат қилиб келаётган бу ҳокисор, ҳушмуомала инсон катта-ю кичикнинг ҳурматини қозониб, дуоларини олиб келмоқда. «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги Ўзбекистон Миллий университети, Абу Райҳон Беруний номидаги Техника университети каби бир қатор олий ўқув юрлари профессор-ўқитувчи ва талабалари соатсоз устанинг беиннат хизматидан ҳамisha миннатдор бўладилар. Қўли гул устанинг «бир қараб қўйиши»дан сўнг соатлар узоқ вақт анди вақтини кўрсатиб, чиқиллаб юриб туради. — Устанинг ҳушмуомаласи, камтарлиги тўғрисидаги ёшларнинг ёнларига тез-тез келиб турамиз, — дейди Миллий университет талабалари Самғ Қодиров ва Умид Шамсиевлар. — Қани энди шахримиздаги ҳар бир соҳа бўйича хизмат кўрсатадиган устaxonалар уста ва шоғирдлари Забиҳилла акадек ҳалол, сифатли, энг асосийи ҳушмуомалалик билан, маданиятчи хизмат кўрсатсалар. Эътиборлиси, соатсоз устанинг оталари Файзулла ота ҳам узоқ йиллар элимизга хизмат қилиб, Файзулла уста деган ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлганлар. Оталари касбини давом эттираётган Забиҳилла уста ҳам мана 30 йилдан кўпроқ бўлибдики ўз касбларини эъозлаб келадилар. Шунга муносиб тарзда ҳуқуқимиз томонидан меҳнатлари муносиб тақдирланиб, бир қатор Фахрий ёрлик ва қимматбах ордени билан таъинланганлар. Биз ҳам соатсоз-уста Забиҳилла Раҳимовга яна кўп йиллар соғаломат бўлиб, ҳамisha эл назаридан, иззат-икромда юришларини тилаб қоламиз. **Машқура ИБРОҲИМОВА**

Қарор ва ижро

**ИНСОНПАРВАРЛИК ИФОДАСИ** **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ТАҚДИМНОМАСИГА БИНОАН ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ ТОМОНИДАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ҲАМ ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Қиш тайёргарликни ёқтиради. Мавсумга қизгин ҳозирлик. Бугунги кунда халқ хўжалиги корхоналарини қишқин мавсумга тайёрлаш ҳар бир хўжалик юритувчи субъектининг асосий вазифаларидан биридир. Шуллардан келиб чиқиб, пойтахтимизнинг «12-автoбус сарoйи очик акциядорлик жамиятида ҳам бу борада ишлар қизгин давом эттирилмоқда. Жумладан, корхонадаги ишлаб чиқариш цехлари, маъмурий-маиший бинолар, омаборхона, қозонхона, иссиқлик узатиш қувурлари, электр тармоқларини жорий таъмирдан чиқариш, бутлаш ишлари айна дама яқунлини арасида. Корхона бош муҳандиси Фурақт Мамасайидовнинг таъкидлашича, жамият жамоаси биргина юқоридаги ишлар билан чекланиб қолгани йўқ. Мавжуд автотранспортларни қузғи техник қўриқдан ўтказиш ишлари ҳам олиб боришмоқда. Қиш мавсумида илк маротаба ишлаётган ҳайдовчиларга қисқа муддатли ўқув курслари жорий қилинган бўлиб, уларга ҳам мунтазам равишда тушунтириш ишлари ташкил этилмоқда. (Ўз муҳбиримиз) СУРАТДА: корхонада мавсумий ҳозирлик қизгин

қиланган ушбу имтиёз улар томонидан содир қилинган жиноятлар ўта оғир бўлса, шунингдек таъкидланган таъкидланган фаолиятидаги ишлари, улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамoат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланган бўлса, таъкид этилмаслиги ҳам белгиланган. Қарорнинг иккинчи бандига қўра, тайинланган жазо тури ва меърийдан қатъи назар, эҳтиёсизлик орасида жиноят содир этган барча шахслар ҳамда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир қилганлиги учун биринчи марта судланган шахслар жазодан озод этилади. Терговчи, суриштирувчи, амнистия ақига қўра, жиноят ишчи қўзғатиш рад этилиши керак бўлган материаллар, шунингдек тугатилиши лозим бўлган жиноят ишлари бўйича прокурорга амнистия ақтини қўлланиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида тақдимнома киритиш тартибида. Прокурор тақдимномани материал ёки жиноят иши билан биргаликда ўрганиб, рози бўлса, амнистия ақтини қўлланиш тўғрисида судга илтимоснома киритилади. Суд илтимосномани прокурор ва манфаатдор шахслар иштирокида қўриб чиқиб, амнистия ақтини қўлланиш тўғрисида ёки прокурорнинг илтимосномасини рад этиш тўғрисида ақрим чиқаради. Айни бир вақтда суд манфаатдор шахсларга қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш (протест билдириш) тартибини тушунтиради. Бундай шахсларнинг ҳаракати оқибатда етказилган зарарни ўндириш масаласи фуқаролик ишларини судда юритиш тартибиде қилинади. Жиноят ишчи амнистия ақти асосида тугатилишича, агар гўмон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, у вафот этган тақдирда эса унинг яқин қариндошларидан бири бунга эътироз билдирса, йўл қўйилмайди. Бундай ҳолларда жино-

ят иши бўйича ишчи юритиш тартибда давом эттирилади ва асослар бўлса, суд Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси 463-моддаси учинчи қисмининг 1-банди талабларига асосан жазо тайинлашдан айблов ҳукмини чиқаради. Амнистия умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахсларга, ўта хавфли рецидивистларга, жиноят уюшма таркибиде жиноят содир этганларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузётган маҳкумларга, муқаддам амнистия тартибиде жазодан озод бўлган, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга, шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибиде озодликдан маҳрум қилиш жазосига амалштирилган шахсларга таъкид этилмайди. Шу билан бирга таъкидланган таъкидланган таъкидланган фаолиятидаги ишлари, улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамoат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун

биринчи марта озодликдан маҳрум қилинган шахсларга, ўта хавфли рецидивистларга, жиноят уюшма таркибиде жиноят содир этганларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузётган маҳкумларга, муқаддам амнистия тартибиде жазодан озод бўлган, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга, шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибиде озодликдан маҳрум қилиш жазосига амалштирилган шахсларга таъкид этилмайди. Шу билан бирга таъкидланган таъкидланган фаолиятидаги ишлари, улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамoат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун

биринчи марта озодликдан маҳрум қилинган шахсларга, ўта хавфли рецидивистларга, жиноят уюшма таркибиде жиноят содир этганларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузётган маҳкумларга, муқаддам амнистия тартибиде жазодан озод бўлган, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга, шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибиде озодликдан маҳрум қилиш жазосига амалштирилган шахсларга таъкид этилмайди. Шу билан бирга таъкидланган таъкидланган фаолиятидаги ишлари, улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамoат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун

биринчи марта озодликдан маҳрум қилинган шахсларга, ўта хавфли рецидивистларга, жиноят уюшма таркибиде жиноят содир этганларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузётган маҳкумларга, муқаддам амнистия тартибиде жазодан озод бўлган, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга, шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибиде озодликдан маҳрум қилиш жазосига амалштирилган шахсларга таъкид этилмайди. Шу билан бирга таъкидланган таъкидланган фаолиятидаги ишлари, улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамoат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун

«DIPLOMATIST»: «ЎЗБЕКИСТОНДА БАРЧА СОҲАЛАРДА САМАРАЛИ МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИЛМОҚДА»

ДЕҲЛИДА «DIPLOMATIST» ЖУРНАЛИНИНГ ЮРТИМИЗ МУСТАҚИЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН МАХСУС СЕНИ НАШРДАН ЧИҚДИ. **МАЗКУР ЖУРНАЛ ҲИНДИСТОН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ ДОИРАЛАРИ ҲАМДА ДЕҲЛИДА АККРЕДИТАЦИЯДАН ҲАМДА ДИПЛОМАТИЯ ВАКОЛАТХОНАЛАРИГА ТАРҚАТИЛАДИ.** Мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги элчихонаси кўмагида чоп этилган журнал ўқувчилар Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи билан очилди. Шунингдек, нашрда республикамиз ижтимоий-сиёсий тараққиёти, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш соҳаларида амалга оширилаётган ишлар, «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида туркум мақола-лар эълон қилинган.

«Ўзбекистон: мустақил тараққиётнинг 17 йили», деб номланган мақолада республикамизнинг истиқлол йилларида қўлга киритган ютуқлари хусусида батафсил маълумотлар берилди. «Ўзбекистон изоҳотлар ва янгилашлар жараёнида ўз миллий қадриятлари, урф-одатлари ва аёнаналари, халқ менталитетига ҳурмат тамойилларига асосланган ҳолда замонавий ва демократик тараққиёт йўлини танлади. Республикада амалга оширилаётган туб изоҳотлар мамлакат иқтисодийнинг жадал тараққиёти асоси бўлмоқда, — деб таъкидланади мақолада. — Ҳозирги пайтда Ўзбекистон мамлакатни фаол изоҳ қилиш ва модернизациялаш боқичига қадам қўйди. Давлат ва жамият қурилишининг, сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг барча жаҳалларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, мустақил суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш, фуқароларнинг сиёсий ва иқтисодий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш давлат оқидида турган мумим дастурий вазифалардир.»

«Тамгила эътибор — бугунги ва эртанги ҳаёт қафолати» сарлавҳали мақолада ўқувчилар Ўзбекистонда таълим тизимини такомиллаштириш, унинг сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар билан танишади. «Мамлакатда қабул қилинган илк қонун «Таълим тўғрисида»ги қонун бўлгани бежиз эмас, албатта. Мустақил тараққиёт шароитида давлат раҳбариятининг таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини туздан изоҳ қилиш борасидаги ташаббуслари, мамлакат интеллектуал салоҳияти ва кудратини юксалтиришга қаратаётган ғамхўрлиги диққатга сазовордир, — деб қайд этилади мақолада. — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мазкур мавзуга оид ўз маърузаларидан бирида таълим соҳасида ўтказилаётган ишлар бугунги ва эртанги куннинг қадролати, мамлакат мустақиллигининг гаровидир, деб таъкидлаган эди.»

Махсус сонда эълон қилинган мақолаларда мамлакатимиздаги таълим жараёнидаги атрофича ёритилиб, мазкур соҳада эришилаётган ютуқлар ҳақида батафсил ҳикоя қилинади. «Соғлом авлод — мамлакатнинг куч ва қудратидир» сарлавҳали мақолада жамият ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, эртанги куннинг халқ қилувчи кучи ҳисобланган ўсиб келаётган авлоднинг соғлом ва ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашга қаратилган соғлиқни сақлаш соҳаси, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида маълумот берилди. «2008 — Ёшлар йили» деб номланган мақолада «Ёшлар йили» доирасида юртимизда ўтказиб келинаётган тадбирлар тўғрисида сўз юритилади. «Ўзбекистон аҳолисининг 64 фоизини 30 ёшга бўлган ёшлар ташкил этади. Шу босим мамлакатни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуришга қодир янгича фикрлайдиган кадрларни тайёрлаш мумим аҳамият қаратилмоқда», — деб ёздаи муаллиф.

Шунингдек, журнал саҳифаларидан «2008 йилнинг биринчи ярми йиллиги. Барча соҳалар ривожиде самарали муваффақиятлар» сарлавҳали мақола ҳам ўрин олган. «Амалга оширилган туб изоҳотлар натижасида мамлакат иқтисодий сўнгги йилларда барқарор ўсиш суръатига эга бўлди. Кейинги беш йил давомида ялпи ички маҳсулот ўсиши йилга 7 фоизни, 2007 йилда ва 2008 йилнинг биринчи ярми йиллигида бу кўрсаткич 9 фоиздан ортиқчи ташкил этди. Ўзбекистонда хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қўлай шарт-шароитлар яратилган. Мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодийга умумий қиймати 100 миллиард АҚШ долларидан зиёд сармоялар жалб этилди. Шунинг 25 миллиард доллар хорижий сармоялар экани эътиборга моликдир», — дея таъкидланади мақолада. Шунингдек, нашрнинг мазкур сониде яқинда Тошкентда ўтказилмак IV Халқаро Ўзбекистон пахта «ярмаркаси»га бағишланган мақола ҳам чоп этилган.

«Жаҳон» АА, Деҳли.

САЙЁҲЛИК — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОРИДА 27 СЕНТЯБРЬ — **ЖАҲОН САЙЁҲЛИК КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ФЕСТИВАЛЬ БЎЛИБ ҲАМДА ТАДБИР «ЎЗБЕКУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ВА «ЭКОСАН» ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ, «ЭКОСАН-ТУР» ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ МАРКАЗИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ ВА ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ, ҚАТОР ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАР, МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ САЙЁҲЛИК КОМПАНИЯЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, МУТАХАССИСЛАР ВА ЭКСПЕРТЛАР ҲАМДА МАМЛАКАТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИАЕТГАН ДИПЛОМАТИК КОРПУС ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.** Анжуманда Президентимиз Ислам Каримов раҳномалигида сайёҳлик соҳасини ривожлантириш, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини хорижда кенг тарғиб этиш, замонавий турларини шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мумим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, бугун қадим шаҳарларимиз, маданият дурдоналаримиз, бетакрор табиятимиз бутун дунёдан юз минглаб сайёҳларни жалб қилаётди. Истиқлол йилларида юртимизда қўлаб замонавий меҳмонхоналар кад ростлади, сайёҳлик инфратузилмаси ва сервис хизмати туздан яхшиланди. Янги сайёҳлик маршрутлари ишлаб чиқилаётгани, мавжуд транспорт коммуникациялари таъмирланиб, янгилари барпо этилаётгани ҳамда дам олиш масканлари тобора қўлаётгани соҳа ривожига хизмат қилаётди. Айни пайтда мамлакатимизда спорт ва маданият сайёҳлиги, экотуризм изчил ривожланмоқда. Сайёҳлар орасида альпинистлар, чанги спортига қизиқувчилар сони кўпаймоқда. Фестивалда Ўзбекистоннинг сайёҳлик ва экотуризм салоҳияти ақс этган кўргазма намойиш этилди. **Ирода УМАРОВА, ҲаА муҳбири**

БАНДЛИК

КАСАНАЧИЛИК ТОБОРА РИВОЖЛАНМОҚДА

ЮРТБОШИМИЗНИНГ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ ВА ТАШАББУСЛАРИ БИЛАН РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАН КУНДАН БОШЛАБ ДАВЛАТИМИЗ ВА ҲУКУМАТИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИ, ХАЛҚИМИЗНИНГ ФАРОВОНЛИК ДАРАЖАСИНИ ЮКСАТИРИШ, ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҚАТЛАМЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚўВВATЛАШ, МАМЛАКАТИМИЗНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ СОҲАЛАРИДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ, ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРНИ ҲАМ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТўЛАРОҚ ҚОНДИРИШ ВА БОЙТИТИШ, ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧўҚУРЛАШТИРИШ, ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ, БОЗОР ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК, ХИЗМАТ КўРСАТИШ СОҲАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛДИ.

Бунда, албатта Президентимиз томонидан илгари сурилган, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг беш асосий тамойили — халқ ҳўжалигининг барча соҳа ва тармоқлари кесимининг барқарор ривожланишида дастуриламал бўлиб хизмат қилганлиги бежиз эмас. Энг аввало, эркин бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтган ҳолда, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берувчи, жаҳон ва Европа андозаларига мос келувчи, илгор, замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, ишлаб чиқариш қувватларини қайта тиклаб янгилаш, асбоб-усуналар билан жиҳозлаш орқали ички ва ташқи бозорни истеъмолчилар талаби ва тақлифи асосида, рақобатбардор, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган янги турдаги, сифатли маҳсулотлар билан тўлиқроқ қондириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан ва табиий ресурслардан унумли, самарали, мақсадли ва омиликорлик билан фойдаланиш масалаларида аҳолининг иқтисодий фаол қисмига мақбул келадиган фойдали иш ўринларини тақлиф этиб, корхона ва ташкилотлардаги мавжуд бўлиб иш жойларини тўлдириб муаммосини, янги иш жойларини барпо этган ҳолда, фуқароларимизнинг бандлигини таъминлаш орқали ижтимоий ҳал этиш — бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аҳоли даромадларини оширишнинг ва турмуш фаровонлиги даражасини ўстиришнинг ҳамда Миллий гош тарғиботида маънавиятни юксалтиришнинг гош муҳим омилли сифатида, меҳнатга лаёқатли аҳолини, айниқса, ёшларни — Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафидан резервада бўшатишдан фуқароларни ва хотин-қизларни, шунингдек ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, касб-ҳўнар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини уларга мақбул келадиган ишларни тақлиф этган ҳолда ишга жойлаштиришга кўмаклашиш орқали, уларнинг бандлигини таъминлаш — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимидаги кирувчи жойлардаги «Бандликка кўмаклашувчи марказ»ларнинг бугунги кундаги энг муҳим ва ўта долзарб вазифаларидан бирига айланган, десак муболага бўлмайди. Бу борада, маҳаллаларда истиқомат қилувчи, ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли қатламлари — фуқароларни уй меҳнати асосида корхона-ташкilotлар билан кооперацияланган алоқаларини мустаҳкамлаш орқали, «иш берувчи» ва «иш берувчи» ўртасида тузилган меҳнат шартномаси асосида, касаначилик орқали янги иш жойларини ташкил этиш оила фаровонлигини оширишнинг ва кўшимча даромадга эга бўлишнинг ишончли манбаи бўлибгина қолмай, Балки иш излаб юрган, уйда ўтирган, меҳнатга лаёқатли аҳоли, айниқса ёшлар ва аёлларнинг бандлигини таъминлашнинг муҳим омилли ҳисобланади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саннат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида»-ги Фармони ҳамда унинг таркибий ва мантиқий давомийлигини таъминлаш мақсадида, 2007 йил 6 апрелда қабул қилинган — «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарори бевосита иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ва мутаносиб ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда. Бинобарин, мазкур қонуний ҳужжатларда ҳўжалик юритувчи субъектлар (иш берувчи) ва касаначилик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаро (иш бажарувчи)ларга қатор имкониятлар яратилган бўлиб, муайян қафолат ва имтиёزلардан фойдаланиш ҳўқуқлари берилганлиги ҳам иқтисодиёт соҳасининг бошқа тармоқлари, айниқса транспорт, алоқа, қурилиш ва қурилиш индустрияси, шунингдек тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатуви кичик саннат корхоналари негизида қўшимча янги ишчи қўчаларини яратилишига имконият туғдириши табиий. Бунинг ёркин мисоли сифатида Бектемир тумани худудида жойлашган ва фаолият юритаётган корхоналар негизида юқорида номи ва санаси қайд этиб кўрсатилган Фармон ва Қарор қабул қилингандан кейинги ўтган икки ярим йил мобайнида, касаначилик асосида қарий 820 та янги иш ўрни яратилганлиги тадбиркорлик субъектлари ва маҳалла фуқароларига янада қулай имкониятларни очиб берганлигидан далолатдир.

Усиб келаятган ёш, баркамол авлодни Ватанга муҳаббат, ўз оила юртига садоқат руҳида тарбиялашда маҳалла — марказ фаолиятини тўри ва самарали ташкил этиш, ислохотлар ечимида муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари меҳнатга лаёқатли, ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли қатламларини ишга жойлаштиришнинг самарали шакллари ҳисобланган — «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари меҳнат ярмарка»лари ташкил этиб келинмоқда. Жумладан, туманда «Бандликка кўмаклашувчи марказ» ташаббуси ҳамда мустақадди ташкилот ва идоралар иштироки ва кўмагида жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида 3 та меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Бунинг натижасида 120 нафарга яқин ёшларимиз ишга жойлаштириш учун йўлланмалар олдилар. Шунингдек, корхона ва ташкilotлар кесимида иш жойларининг энг кам микдори белгилашда махсус квоталанган иш жойларини жорий этиш муҳим ҳисобланади. Чўноччи, туман бўйича 31 та корхонада «Иш берувчи»лар томонидан квоталанган махсус иш ўринларининг яратилиши белгиланганлиги, бир томондан корхоналар — «Иш берувчи»ларга қўшимча имкониятларни очиб берган бўлса, бошқа томондан имкониятлар «чекланган ёки алоҳида тоифали фуқароларни имтиёзли равишда ҳам моддий, ҳам ижтимоий-маънавий муҳофазасини таъминлашига имкон берди, десак янглишмаган бўлаемиз.

Алишер ДАДАЕВ, Бектемир тумани «Бандликка кўмаклашувчи марказ» директори


МАМЛАКАТИМИЗНИНГ СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲҚАМЛАШ, ВАТАНИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИНИ ОШИРИШ, ХАЛҚИМИЗНИНГ ТИНЧ, ОСОЙИШТА ВА ФАРОВОН ҲАЁТ КЕЧИРИШИ УЧУН ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИШ Йўлида КЕНГ КўЛАМЛИ ИСЛОХОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. УШБУ ИСЛОХОТЛАР ЗАМИРИДА АСОСИЙ ЭЪТИБОР ИНСОН МАНФААТЛАРИ, ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ҲАМДА ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗАСИГА ҚАРАТИЛМОҚДА. БУ БОРАДА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР КўЛАМИ ҲАМ ЭЪТИБОРГА МОЛИКДИР. ХУСУСУАН, БИЗНИНГ МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ РАИСИ ШОИКРОМ ИСРОИЛОВ БИЛАН СУҲБАТИМИЗ ҲАМ АЙНАН ТАРМОҚ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТОМОНИДАН ФУҚАРОЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ ВА ҲАР ТОМОНЛАМА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР, ИНТИЛИШ, ИЗЛАНИШЛАР Тўғрисида бўлди.

Касаба уюшмаларида ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

лион, касаба уюшмаларидан эса 3 миллион 400 минг сўм сарфланди. Бундан ташқари жойлардаги касаба уюшмалари кўмиталари томонидан ишчи-хизматчиларнинг кўхна Самарқанд, Бухоро, Урганч каби тарихий қадим-жоларга саёхатлари уюштирилди. — **Маълумки жорий йил «Ёшлар йили» деб номланди, ўсиб келаятган ёш авлод камолоти йўлида катта саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. «Ёшлар йили» Давлат дастури ижроси бўйича касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.** — Фарзандларимиз — бизнинг келажакимиз, бошлаган ҳайрли ишларимизнинг давомчиларидир. Шундай экан бугун уларга берилаётган эътибор, ғамхўрлик, таълим-тарбия йўлидаги ҳар бир ишчи-маънавият ўзининг яхши натижаларини беради. Биз ҳам имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда корхоналарнинг соғломлаш-

тириш ва дам олиш масканлари, спорт иншоотлари моддий-техник негизини янада мустаҳкамлаш, биринчи навбатда ёшлар, ёш оилаларнинг соғлигини тиклаш учун имтиёзли йўлланмалар билан таъминлашга эътиборни қаратдик. Уларга моддий ва маънавий кўмак бериш борасида турли учрашув ва бир қатор тадбирларни ўтказиб келимоқдамиз. Биргина мисолни айтиб ўтсам, касаба уюшмалари билан жамоа шартномасини имзолаган корхона ва ташкilotларда хизмат қилаётган ёш оилаларга имтиёзли, физисиз истеъмол кредити берилиши йўлга қўйилган. Янги ёш оиллага узоқ муддатга фозисиз кредит берилиб, ишчи уни йиллар мобайнида ойлик маошини давом дўлаб боради. Шунингдек, ёшларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш, спорт билан шуғулланишига шарт-шароит яратиш йўлида ҳам бир қатор ишлар олиб борилмақда. 2 та корхонамизда касаба уюшмалари кўнгилли спорт жамиятлари ишлаб турибди. Унда

спортнинг футбол, сузши, стол тенниси каби бир қатор турлари бўйича тўғарақлар бўлиб, ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари уларда бепул шуғулланиб, саломатликларини тиклаш имкониятига эгадир. — **Айтингчи, узоқ йиллар корхона, ташкilotларда хизмат қилиб, ҳозирда нафақада бўлган фахрийлари ҳам йўқлаб турасизларми?** — Ҳа, албатта. Фахрийлар — фахримиз. Уларнинг бой ҳаётий тажрибаларидан кўп нарсаларни ўргансак бўлади. Биз ҳар бир байрам, шонли саналарда имкон борича ҳар бир корхона, заводлардан пенсияга чиққан кекса ишчи-хизматчилар, фахрийларни тақлиф қилиб, чиройли байрам дастурхони ёзишга, совға-саломлар топширилишига ҳаракат қилаемиз. Мана яқинда шаҳар кенгаши томонидан фахрийларга 500 минг сўмлик моддий кўмак берилди... Биз Шоиқром Исроилов билан мавзу доирасида узоқ суҳбатлаш-



ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

ТОШКЕНТДА ФИЗИКА ФАНИНИНГ БУГУНГИ ЮТУҚЛАРИ ВА СОҲАДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ ҲАМДА ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО АНЖУМАН ИШ БОШЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси иссиқлик физикаси бўлими ҳамда НАТО илмий кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган илмий анжуманда маҳаллий мутахассислар ҳамда Италия, Германия, Япония, Франция, Швейцария, Россия, Белорусиядан келган етмишдан ортиқ олимлар иштирок этаятир. Анжуман физика, табиий оғат ва ҳалокатларни таҳлил қилиш ва моделлаштириш, мураккаб структураларнинг шаклланиши, советилган атомлар физикаси каби бир қатор муҳим мавзуларга асосланган. Унда мураккаб тизимлар физикаси нозичиқли динамиканинг биология, экология, иқтисод сингари табиий ва ижтимоий фанлар ҳамда хавфсизликка тадбиқ этилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Чўноччи, сўнги йилларда замонавий физика фанининг муҳим йўналишларидан бири бўлган мураккаб системалар физикаси ва нозичиқли динамика соҳасида илмий излашилларнинг назарий услублари сейсмологик ҳалокатлар назарияси, эпидемиология, тиббиёт, иқтисод ва молия соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Анжуманда шунингдек нана-ўлчамли системалар, жумладан, нана-компьютерлар

ий яратиш ва бошқариш борасида илмий излашиллар олиб бораётган хоржиқли олимларнинг маърузалари тингланди. Айниқса, юртимизда бу борада олиб борилаётган ишлар хоржиқли ва маҳаллий мутахассислар томонидан атрофлича муҳокама қилинди. — Юртингизда замонавий физика, жумладан, мураккаб системалар физикаси ҳамда нозичиқли динамикани фан ва технологияларга тадбиқ этиш борасида ўзига хос тажриба тўпланган, — деди французлик олим Алберто Саркази. — Мазкур анжуманнинг бу ерда ташкил этилишига сабаб ҳам ана шунда. — Анжуманда нафақат фикр ва тажриба алмашиш, Балки, Ўзбекистондаги ёш физикларнинг илмий тадқиқотлари билан яқиндан танишиш ва келгусида ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш масалалари ҳам таҳлил этилади. Анжуманда шунингдек, нана-ўлчамли системаларни амалий мақсадда қўллаш, нана-материалларда физик жараёнларни бошқариш, нана-қурилмалар яратишнинг самарали усуллари ҳамда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш масалалари ҳам муҳокама қилинади.

ПОЙТАХТДА УКРАИНА КИНОСИ ҲАФТАЛИГИ

ТОШКЕНТДА УКРАИНА КИНОСИ ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ. БИР ҲАФТА МОБАЙНИДА КИНО САЪЯТИ ИХЛОСМАНДЛАРИ УКРАИНАЛИК КИНОРЕЖИССЁРЛАР ТОМОНИДАН СУРАТГА ОЛИНГАН ЭНГ САРА ТўҚҚИЗТА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ТОМОША ҚИЛИШ ИМКОНИГА ЭГА БўЛИШАДИ.

Маданий тадбирнинг очилиш маросимида иштирок этган Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Вячеслав Похвальский намойиш этиладиган фильмлар томошабинларда катта таассурот қолдириш билан бирга, уларнинг Украина ҳақидаги, унинг халқи, маданияти ва санъати борасидаги билимларини янада мустаҳкамлашига хизмат қилишини таъкидлади. — Иккала давлат ўртасидаги савдо-сотик алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда, — деди элчи. — Ўтган йили икки давлат ўртасидаги товар айрибошлаш миллиард доллар атрофида бўлган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 1,8 миллиард долларни ташкил қилди. Халқаримиз ўртасида маданий ва маърифий алоқаларнинг ривожланаётгани эса дўстона ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди.

«Туркистон-пресс»

дик ва касаба уюшмалари қошида яна 8 та касб-ҳўнар коллежлари борлиги, ўқувчиларнинг соғлигини тиклаш, спорт мусобақаларини ташкил этиш, шу коллежларда ёшларга таълим-тарбия бериб, касб-ҳўнарга ўргатаётган устоз-мураббийларнинг ҳам корхона ва ташкilotларда хизмат қилаётган ишчи-хизматчилар каби барча имтиёزلардан фойдаланишлари йўлга қўйилганлигидан хабардор бўлдик. Яна суҳбат асосида касаба уюшмалари фаолияти, иш режалари ҳақида тўлиб-тошиб, яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар ҳақида фахрлиб сўзлаётган раиснинг 33 йилдан бери шу соҳада, 1993 йилдан бери эса тармоқ Тошкент шаҳар кенгаши раиси вазифасида фаолият юритаётгани ва шу йиллар мобайнида касаба уюшмалари фаолиятини ривожлантириш бўйича кўпгина самарали ишларни амалга оширгани билан танишдик. Шу билан бирга оилادا ҳам турт нафар фарзандларнинг отаси, уч нафар набибаларининг меҳрибон бобоси эканлиги билан яқиндан танишдик. Ҳар бир соҳанин жонкуяр, изланувчан, талабчан ходимлари борлигидан кўнглимиз тўлди.

— Бир сўз билан айтадиган бўлсак, — дейди Шоиқром Исроилов, — касаба уюшмалари кишилар огирини енгил қилиш, ҳақ-ҳўқуқлари, меҳнат муҳофазасини ташкил этиш, ижтимоий Ҳимоялашга ҳар доим тайёр турадиган, одамлар дардини эшита оладиган, имкон борича қўллаб-қувватлайдиган ташкilotдир. Ушбу муҳим қоидани ҳамма, ҳар бир корхона, ташкilot раҳбарлари билишларини жуда-жуда истаб қоламиз. Шоира МУҲАМЕДОВА суҳбатлашди

Маънавият

ИЛГОР УСУЛЛАРГА ОИД

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН БОСМАГА ТАЙЁРЛАНГАН ҲУҚУВ ҚўЛЛАНМАСИ «КУНИ УЗАЙТИРИЛГАН ГУРУҲЛАРДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ НАЗАРИСИ ВА МЕТОДИКАСИ» ДЕБ НОМЛАНДИ.

Тошкент Давлат педагогика университети профессори Комилжон Ҳошимовнинг кўп йиллик изланиши махсули бўлган бу янги тўпламда кунни узайтирилган гуруҳларни болалар тарбиясида тутган ўрни ҳамда ўзига хос бошқа хусусиятлари баён этилган.

Унда педагогика коллежларида ўқувчиларга таълим ва тарбия беришдаги илгор усулларига оид намуналар ҳам ёритилган.

Бу қўлланма янги ўқув йилига яхши совға бўлди.

МОНОГРАФИЯ ЧОП ЭТИЛДИ

«МАТН ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ» ДЕБ НОМЛАНГАН МОНОГРАФИЯ АЛОҲИДА КИТОБ ҲОЛИДА БОСИБ ЧИҚАРИЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ ДОКТОРАНТИ ТУРСУНОВА ЗИЁДОВА ҚАЛАМИГА МАНСУБ МАЗКУР ТАДҚИҚОТ ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИДА КОММУНИКАТИВ САВОДХОНИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ЙИРИК ИЛМИЙ ИШ СИФАТИДА ҲАМ ЭЪТИБОРНИ ҲИМОЯ ҚИЛДИ.

Ўзбекистон «Фан» нашриёти чоғ этган ушбу монография матн яратиш кўникмаларини шакллантириш билан боғлиқ масалаларни ҳам ўз ичига олган бўлиб, ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўрганувчиларга фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади.

ОЛИЙ ҲУҚУВ ЮРТИ ВЕБ-САЙТИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ РАСМИЙ ВЕБ-САЙТИНИ ЯРАТИШ ЖАРАЁНЛАРИ НИҲОСИГА ЕТДИ.

Олий Ҳуқуқ юртининг тарихи, олиб борилаётган илмий излашиллар ва таълимий тадбирларни ўзида акс эттирган бу веб саҳифа университет ҳузуридаги ахборот технологиялари маркази фаоллигига юзига келди.

Саҳифа дизайнида эса олий Ҳуқуқ юртининг 90 йиллигига оид тасвирлар ўз аксини топди.

Таълим

УНИВЕРСИТЕТДА ЮНЕСКО КАФЕДРАСИ

ЮНЕСКО ТАШКИЛОТИ ҚАТОР НУФУЗЛИ ОЛИЙ ҲУҚУВ ЮРТЛАРИДА ҲАМДА ТАЪЛИМИЙ МАРКАЗЛАРИГА ЭГА. ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА БУ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТНИ АЛОҲИДА ҲУҚУВ КАФЕДРАСИ ОЧИЛИШИ ЭСА МАМЛАКАТИМИЗ ИЛМ-ФАН РИВОЖИГА ЭЪТИБОРНИНГ БИР КўРИНИШИ БўЛДИ.

Маълумки, ЮНЕСКО ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якуний йиғилиши Тошкентда ўтказилган эди. Орадан кўп ўтмай пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ЮНЕСКО ташаббуси билан янги йўналишдаги кафедралар ташкил топди.

Физика ва астрономия бўйича ЮНЕСКО кафедраси Миллий университетнинг физика факультетида ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Дастлабки магистратурага инглиз тилини яхши биладиган талабалардан 6 нафари жалб қилинди.

ЮНЕСКО талаби билан япониялик профессор Накамур илк машғулотларни бошлаб берди. Дарслар фақат инглиз тилида уюштирилаётган кафедра энг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Нарҳи 15 минг долларлик кўрсатмали қуроллар иккита аудиторияни тўлдирди. Аниқ фанлар бўйича ишлаб чиқилган дастурлар пухта ўзлаштирилмоқда. Университетнинг 90 йиллик юбилейи муносабати билан кафедра янги илмий тўпламни босмага тайёрлади.

Акбар АЛИЕВ

«ШАБНАМ» КАТТА ЭКРАНДА

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ КИНОСАРОЙДА «ШАБНАМ» НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИНГ ТАКДИМОТИ БўЛИБ ҲТДИ.

Ёшлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу фильм «Ўзбектефильм» давлат унитар корхонаси ҳамкорлигида яратилган.

Кино санъати маънавият тарғиботининг энг таъсирчан воситаларидан биридир. Фильмнинг ҳар бир лавҳаси ички гўзаллиги билан муҳлисларни жалб қилиши ва томошабинга маънавий озуқа бера олиши лозим. Шу билан бирга асар ҳақидаги муаммоларни, одамлардаги нуқсонларни кўрсатиб бера олиши ҳам зарур. Кино санъати иҳлосмандлари Мирмахсуд Охуновни «Бегоналар», «Хавфли бурилиш», «Севги фазоси» фильмлари орқали яхши билишадди. «Шабнам» бадий фильмига ҳам у режиссёрлик қилган.

— Фильмда кўпроқ ўзбекана миллий қадриятларга эътибор қаратилган, — деди фильм режиссёри Мирмахсуд Охунов. — Менимча, фильм шу жиҳатлари билан ҳам бошқа фильмлардан фарқ қилади. Ушбу фильм ўзбек кино экранида кўндан бери қутилаётган мавзу ва йўналиш асосида суратга олинди. Янги фильмда замонавийлик ва миллийликнинг муҳирона уйғунлашуви эса эътиборга. «Шабнам» фильми воқеалари драматик вазиятларга кўра, томошабинга кўпроқ қутилмаган воқеаларни тақдим этади. Фильмда ўзбек киносининг ёркин ва ёш истеъдодли актёрлари Улуғбек Қодиров, Гулчехра Эшонқулова, Ойдин Юсупова, Азиз Рамаев иштирок этган.

— Аввал ижро этган ролларим орасида «Шабнам» фильмидагики характерли рол бўлган эди, — деди бош қахрамон ижрочиси Гулчехра Эшонқулова. — Бундай ролни мен орзиқиб кутганман, чўноч бу фильмда миллийлигимиз ёркин акс эттирилган.

«Туркистон-пресс»

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА ДОНО БУЛАД...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Сўзинг лутфи оқса бамисоли об, Ушанда ҳам камроқ гапирмоқ савоб.

Кам гапиру танла мисли дур, Оз-оздан ҳам жаҳон лиқ тўлур.

Гар аёл хотинмас, ҳар бола фарзанд, Гар гул мева бермас ё ҳар қамиш қанд.

Икки дилбар тутса, ул дил дил эмас, Кимда икки дилдир, ул оқил эмас.

Аёл не тўқиса, шуни кўради, Эркак нима экса, шуни ўради.

Ким олдинга боқар, хато қилмайди, Улимдан сўнг дору шифо қилмайди.

Ёққан ўтинг таратар тутун, Пушаймонинг фойдасиз бу кун.

Ноумид бўлмагил қаро кунда ҳам, Кут қатраси қаро булут ичра жам.

Чора эшигини беркитма асло, Аччиқ бўлади-ку кўпинча даво.

Ноумидликдан ҳам умид ураб бонг, Қаро кечадан сўнг отар оппоқ тонг.

Яхши бил, қаро тун тушса ҳам бошга, Охири етурсан порлоқ қуёшга.

Дунёда ечилур ҳар қандай тугун, Лекин бирдан эмас, охиста, секин.

Гар кеча сўнгиди нуру зиё бор, Гар бардош сўнгиди завку сафо бор.

Кудук қази ердан сув чиқса агар, Қончиқар жойдан ур томирга наштар.

Сирингни айтмоқчи бўлсанг, хўп сара Сара дўстингга ҳам душмандек қара.

Ҳеч ким экканини ўзимга демас, Ҳеч ким керагидан ортиқча емас.

Аждодлар боғу роғ экиб кетишди, Мевасига янги авлод етишди.

Биз учун экилган экан неча боғ, Экайлик бошқалар учун биз шу чок.

Экишу ўришдан иборат жаҳон, Барча бунда бир-бирига дехқон.

Кўзгатаркан қайси иш шармсорлик, Бажо этганга ҳам келтирар хорлик.

Хунарни ҳам айбга санар ақли гўр, Товус оёғинмас, қарға кўзин кўр.

Хурмо дарахт баланд бўлмас эрди, Ҳар бола тождан кўп завол эрди.

Осмону заминда не бўлса бари Одамнинг фикридан эмас ташқари.

Сенга маълум қиличбозлик маҳоли, Ғўдаймақлик бўлур бошинг заволи.

Бу кун бир кунимга яра, эй одам, Бир кунингга яраб қолурман мен ҳам.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади.

ҲАЗОНЛАРНИ ЁҚМАНГ

У ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ВА ЭКОЛОГИЯГА КАТТА ЗАРАР ЕТКАЗАДИ

Ҳаммамизга маълумки, куз фасли бошланиши билан дарахтлардаги олтинранг япроқлар ерга тўшалади. Ана шу кезларда шаҳар аҳолиси бир муаммага дуч келади. У ҳам бўлса, тўкилган барглр ва кесилган шох-шаббаларни баъзи ҳолларда кўчаларда, маҳалларда, мавзеларда ёқиб юборилаётганлигидир. Ана шу ёқилган ҳазонлардан чиқаётган аччиқ тутун инсон саломатлиги ҳамда экологиямиз учун қандай зарар келтирмоқда? Бу заҳарланаётган ҳаво қандай касалликларни келтириб чиқаради? Ушбу саволлар бўйича Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг коммунал-гигиена бўлини маси мудири Жаҳонгир МИРЗАМУҲАМЕДОВ бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Тоза ҳаво — танга даво дейди халқимиз. Юртимиз йил сайин обод ва кўркам бўлиб, яшнаб-яшариб бораётган бир вақтда айни куз мавсуми бошланиши билан ачинарли бир ҳолатни кузатамиз. Аҳамият берадиган бўлсак болалар ўшхлик қилиб ҳазонларни ёқишса, катталар ахлат уюмидан қутулиш учун, фаррошлар эса йиғилган ҳазонларни худуднинг тозаланиши таъминлаш учун ёқиб юбормоқдалар. Бунинг инсон саломатлиги учун қанчалик хавфли эканлигини бир таҳлил қилиб кўрайлик. Ҳазонлар уюмининг ёқиши натижасида атмосфера ҳавосига

ис гази, углерод оксиди ажралиб чиқиб, нафас сиқиши ва сурункали аллергия касалликларнинг хуружига сабаб бўлади. Ёқиб юборилган барг-ҳазонларнинг заҳарли моддаларга тўйинган тутун ўпка орқали қонга сўрилиб, юқори нафас йўллари салбий таъсир кўрсатади. Аллергия касалликлар ва нафас сиқиши билан хасталанган беморлар бу заҳарли тутунлардан қанчалик азият чекаётганликларини ҳазонларни ёқиб юборётган фуқаролар уларнинг ўрниларига ўзларини бир қўйиб кўришса, аниқ ҳис қилар эдилар. Мутахассисларнинг айти-


шича, ҳазонлар ёқиши натижасида чиқаётган тутун таркибиде саратон (рак) касаллигини кўзгатувчи канцероген модда ҳам ажралиб чиқади. Ёнганд ҳосил бўладиган курум ва тутунлар нафақат одам организмга ва атроф-муҳитга, балки ёниш жараёнида ернинг унумдор қатламга ҳам таъсир қилади. Ҳазон уюмларининг ёқиши натижасида осмонга таралаётган заҳарли тутунлар экологиямизга қанчалик салбий таъсир қилишини кўпчилик англаб етмаса керак. Автомобиллардан таралаётган тутунлар атмосфера ҳавосини заҳарлаётгани каммиди? И-

гарилари тўпланган ҳазон уюмлари умуман ёқилмаган, сабаби ҳар бир ҳонадонда барглрнинг қўмиш учун маҳсус ўралар бўлган ва ҳазонлар шу ўрага қўмилиб ком-

пост қилинган. Ҳазонларнинг чириши натижасида ер қатламидан унумдорлиги ошган. Мана бир неча йилдирки ҳазонлар ва шох-шаббаларни йиғиш ҳамда компостлаш учун ҳар бир туманда бир нечтадан ҳандақлар ташкил қилинган. Тўпланган барглр ва ҳазонлар ушбу ҳандақларга ташланса ва компостланса, айни муддао бўлар эди. Ахир осмонимиз муссаффолиги, табиат гўзаллиги келажак авлодларимиз учун бизлардан қоладиган мерос-ку. Уни асраш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Дилором ИКРОМОВА Ёзиб олди

Кўча ва хиёбонлар, маҳалларни куз мавсумида орас-талаш, куз-қиш мавсумига тайёргарликлар кетаётган бир вақтда юқорида таъкидланганидек тўпланган ҳазонларнинг ёқиб юборилаётганлигини ҳам баъзан учратмоқдамиз. Шу боис маҳалларда ҳазонларни ёқишининг олдини олиш, унинг ёмон оқибатлари ҳақида атрофдагиларга тушунтиришимиз, бу ҳолга барҳам бериш зарур албатта. Зеро шундай жаннатмакон юртда фаровон яшашимиз, ҳар биримизнинг, айтмаски фарзандларимизнинг соғлом ўсиши учун ҳар биримиз бирдек масъул эканлигимизни унутмайлик. Азиз ҳамшаҳарлар, соғлигимиз ўз қўлимизда экан, келинг биргаликда она табиатимизни, муссаффо ҳавони кўз қорачиғидек асраб-авайлашга киришайлик.



Кураш

ЁШЛАР МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ

ШАҲРИМИЗДАГИ «ДИНАМО» ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СПОРТ ЖАМИАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА 1992-1993 ЙИЛЛАРДА ТУГИЛГАН ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ИЛК БОР ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МУРАБИЙЛАР АКА-УКА КУРСАТ ВА АБДУЛМАЖИД АБЛАЕВЛАР ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ТУРНИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Республика эркин кураш федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Динамо» жамияти каби ташкилотчилар томонидан уюштирилган халқаро турнирда мамлакатимизнинг 130 нафар ёш курашчилари, шу жумладан қирғизистонлик меҳмонлар 42 дан 100 килограммгача бўлган ўрта ёш тоифасида ўз куч-маҳоратларини намойиш этишди.

Мусобақада кўлаб шиддатли беллашувлар бўлиб ўтди, ёш курашчилар чиройли усулларни кўлаб мухлисларни ҳушуд этишди. Бошқа жиҳатдан олганда эса турнир ҳар хил мактаблар тарбияланувчилари маҳоратларининг ўзига хос синовиға ҳам айланб кетди.

Ғолиб ва совриндорларга қимматбаҳо совғалар ва дипломлар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: ака-ука Аблаевлар хотирасига бағишланган халқаро турнирдан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар



Ер шарида ҳаёт пайдо бўлганидан бери тирикликнинг ҳаммаси ўзининг яшаши учун курашиб келган. Хавфсизлик муаммоси ҳар доим бўлиб токи XXI асрда ҳам ўзининг асл маъносини йўқотмади. Хозирги пайтда глобал атроф-муҳит ўтган юз йилликка нисбатан анча тез ўзгаришларга учраб, одамларнинг хавфсизлиги ва келажаги учун реал хавф туғдирмоқда. Фан-техника тараққиёти жамиятнинг ривожланишида нафақат ижобий аҳамиятга эга бўлиш биллиларини, балки салбий элементлар ва ҳодисаларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Барча омилар ўзининг хавфлилик даражасининг одамига таъсирига кўра шартли равишда зарарли ва хавфли турларга бўлинади. Зарарли омиларга муайян шароитларда касалликлар ҳамда меҳнат қобилиятининг пасайишига сабаб бўлувчи омилар кирди. Хавфли омилар деб, муайян шароитларда шикастланишлар ва тўсатдан соғлиқнинг кескин ёмонлашувиға олиб келувчи омиларга айтади.

Фавқулодда вазият — бу муайян ҳудуддаги ҳолат бўлиб, авариялар, ҳалокатлар, хавфли табиий ҳодисалар, офатлар оқибатида кишилар ўлимга ва соғлиғига салбий таъсир бўлишиға, табиий атроф-муҳитга зиён етказишиға, одамлар ҳаётини фаолияти бузилишиға олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган вазиятлар саналади. Ушбу ҳаётини ва ўта муҳим бўлган масалаларни батафсил ечиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 27 октябрда «Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида» 455-сонли қарорни қабул қилган.

Маҳаллий фавқулодда вазиятга фавқулодда вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлган одам жабрланган ёхуд 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаганини ташкил этадиган ҳамда фавқулодда вазият зонаси ишлаб чиқариб объекти ёки ижтимоий мақсадли объект худуд ташқарисига чиқмайдиган фавқулодда вазият тегишли бўлади.

Локал фавқулодда вазиятга-фавқулодда вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлган одам жабрланган ёхуд 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп эмас,

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР: ХАВФСИЗЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАРАКАТЛАР

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ДЕГАН СЎЗЛАР БУГУНГИ КУНДА АҲОЛИМИЗНИНГ АКСАРИЯТИГА МАЪЛУМ ВА ТУШУНАРЛИДИР. АММО УШБУ ТУШУНЧАНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ, АЛБАТТА, ЧУҚУРРОҚ ВА КЕНГРОҚДИР.

Ташкил этадиган ҳамда фавқулодда вазият зонаси аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят ташқарисига чиқмайдиган фавқулодда вазият тегишли бўлади. Республика фавқулодда вазиятиға фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одам жабрланган ёхуд 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортиқ ташкил этадиган ҳамда фавқулодда вазият зонаси вилоят ташқарисига чиқадиган фавқулодда вазият тегишли бўлади.

Трансчегара фавқулодда вазиятга оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган, ёхуд фавқулодда вазият чет элда юз берган ва Ўзбекистон худудиға дахл қиладиган фавқулодда вазият тегишли бўлади.

Табиий тусдаги фавқулодда вазиятларга геологик хавфли ҳодисалар, гидрометеорологик хавфли ҳодисалар, фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва энцефалитик вазиятлар кирди.

Юқоридагиларга асосланиб шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки мамлакатимизда аҳолини ва худудларни фавқулодда вазиятлардан огоҳлантириш ва муҳофаза қилиш умумийлаш даражасига кўтарилиб, давлат миқёсида керакли ҳуқуқий асослар белгилаб берилган ва буларни амалга оши-

риш учун маҳсус давлат тизими вуждга келиб хозирги кунда мана ўн икки йилдан бери халқимизга хизмат қилиб келмоқда. Шубҳасиз, давлати фўқароларини хавфсиз, бехатар, ҳар қандай офат, қуфатлардан ҳолис яшашлари учун фўқаро муҳофазаси кўчлари доимо шай туришлари, турли вазиятларда (табиий ёки техноген) керакли ёрдам кўрсата олиши таъминлашиға катта эътибор бериб келмоқда. Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ўз фаолияти даражасида ва кенг жамоатчилик кўчларига мустаҳкам таянган ҳолда юқорида баён этилган кўп қиррали масалаларни босқичма-босқич ҳал қилишға изчиллик билан ёндашиб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, фўқароларни муҳофаза қилиш давлат тизими амалда ҳаракат қилмоқда, шу қаторда пойтахтимизнинг ҳар бир ташкилоти ва муассасаси билан ФВВ нинг Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси маҳсус режалар асосида тадбирларни ўтказмоқда. кетма-кет бўлаётган турли ўқув-штаб машқлари аҳолини ва худудларни муҳофаза этишда ўз салмоқли хиссасини қўшмоқда. Эндиги хизмат эса бизнинг, ҳар биримиздан-дир.

Темур АЙДАРОВ, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходими

Футбол

ҲАЛИ ИМКОНИЯТ БОР

ПОЙТАХТИМИЗДА 16 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРДИ.

Унда иштирок этаётган Роберт Гай бош мураббийлигиғадаги Ўзбекистон терма жамоаси «А» гуруҳида Эрон, Сингапур ва Баҳрайн терма жамоалари билан голиблик учун қизгин кураш олиб бормоқда.

Шу кунгача гуруҳ бахсларининг иккита туриға яқун ясалди. Дастлабки турда сингапурлик ёш чарм тўп усталарини 7:0 ҳисобида мағлуб этиб, мухлисларға олам-олам қувонч улашган ҳамюртларимиз иккинчи турда эронликлар билан кечган муросасиз беллашувада 1:2 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйишди.

Энди баҳрайнликлар билан уюштирилаётган учинчи учрашувада ҳамюртларимиз галаба қозонишлари, ҳеч бўлмаганда дуранг натижа қайд этишлари лозим.

(Ўз мухбиримиз)

Дзюдо

АБДУЛЛА — КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ

ПЕКИН ОЛИМПИАДАСИДА КУМУШ МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН, ЖОРИЙ ЙИЛДА ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА УЮШТИРИЛГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ҚИТЪА ЧЕМПИОНИ НОМИГА САЗОВОР БЎЛГАН ҲАМЮРТИМИЗ АБДУЛЛА ТАНГРИЕВГА ЯНА ОМАД КУЛИБ БОҚДИ.

Кунни кеча Латвия пойтахти Рига шаҳрида дзюдо бўйича халқаро турнир уюштирилди. Курраи заминнинг энг кучли полновлари қатори ушбу нуфузли турнирда иштирок этган ҳамюртимиш мусобақанинг саралаш учрашуваридида барча рақибларини энгиб финалда кумуш медални қўлга киритди ва юртимизга ёруғ юз билан қайтди.

Таэквондо

ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

ОЛТИ ЁШИДАЁҚ ТАЭКВОНДО БЎЙИЧА ҚЎҚОН ШАҲРИ ЧЕМПИОНЛИГИГА ЭРИШГАН, ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ПОЛВОНЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН МАМЛАКАТ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИДА ҒОЛИБ ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ҲУСАНЖОН ҲАЙДАРОВ ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ ТАРКИБИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

Кувонарли жиҳати шундаки, тез кунларда Италиянинг Милан шаҳрида таэквондо бўйича болалар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида Хусанжон Ҳайдаров мамлакатимиз шарафини Ҳимоя қиладиған бўлди. Айни кунларда у жаҳон чемпионатида муваффақият қозониш мақсадида тайёргарлик машғулотларида иштирок этмоқда.

(Ўз мухбиримиз)



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Буюртма Г- 906

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3298 нусxada босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимиға еки «Тошкент почтама»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси боснахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6